

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ПРОГРЕССИВЛИГИ ВА УНИНГ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТЕНГСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ибрагимов Зафар Исмаилович

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти

Солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Аннотация:

Мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг прогрессивлиги ва унинг даромадлар тенгсизлигига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу мақолада прогрессив солиққа тортиш тизимининг асосий тамойиллари кўриб чиқилиб, даромадлар тенгсизлиги даражасини баҳолаш учун Жини коэффициентини ҳисоблашнинг хусусиятлари Ўзбекистондаги кўрсаткичлар мисолида тадқиқ этилган. Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш учун прогрессив солиққа тортиш тизимини кенгроқ жорий этиш зарурати бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ, ставка, прогрессив ставка, даромад, даромадлар тенгсизлиги, даромад солиғи, Жини коэффитсиенти, солиқ имтиёзлари, солиққа тортилмайдиган минимум.

Аннотация:

В статье анализируется прогрессивность налога на доходы физических лиц и ее влияние на неравенство доходов. Также в данной статье рассматриваются основные принципы прогрессивной системы налогообложения, а также изучаются особенности расчета коэффициента Джини для оценки уровня неравенства доходов на примере показателей Узбекистана. В целях обеспечения социальной справедливости в обществе разработаны соответствующие выводы и рекомендации о необходимости более широкого внедрения прогрессивной системы налогообложения.

Ключевые слова: Налог, ставка, прогрессивная ставка, доход, неравенство доходов, подоходный налог, коэффициент Джини, налоговый кредит, безналоговый минимум.

Abstract:

The article analyzes the progressiveness of the personal income tax and its impact on income inequality. Also, this article discusses the basic principles of a progressive taxation system, and also studies the features of calculating the Gini coefficient to assess the level of income inequality using the example of indicators in Uzbekistan. In order to ensure social justice in

society, relevant conclusions and recommendations have been developed on the need for a wider introduction of a progressive taxation system.

Keywords: Tax, rate, progressive rate, income, income inequality, income tax, Gini coefficient, tax credit, tax-free minimum

Замонавий жамиятда энг долзарб муаммолардан бири даромадлар тенгсизлиги муаммосидир. Халқаро амалиётда даромадлар тенгсизлиги тобора кўпроқ намоён бўлмоқда ва бутун дунё бўйлаб кўплаб одамларнинг ҳаётига таъсир қилмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун ҳукуматлар турли воситалардан, жумладан прогрессив солиққа тортишдан фойдаланадилар.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш бўйича прогрессив ставканинг қўлланилиши дунё амалиётида энг кенг тарқалган усуллардан бири ҳисобланади. Масалан, даромад солиғи ставкалари прогрессив шкалада АҚШ ва Австрияда 55%, Бельгияда. Исроилда – 50%, Голландияда – 52%, Франция, Германия, Грецияда — 45% гача этади. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг муҳим элементи, солиқ ушланмайдиган минимал даромад суммаси ҳамда турли кўринишдаги ижтимоий ва инвестицион солиқ чегирмаларини келтириб ўтиш мумкин¹.

Илмий изланишлар орқали англаш мумкинки, даромад солиғининг прогрессивлиги аҳоли даромадларининг тенгсизлигига ижобий таъсир этади. Аҳоли даромадларининг тенгсизлиги ортиб кетиши мамлакатда даромадлар нуқтаи назаридан табақаланиш вужудга келиши мумкин.

Даромадлар тенгсизлиги ва жамиятнинг мулкӣ табақаланиши оқибатлари²:

- умумий аҳоли қашшоқлашуви даражаси, камбағаллар сонининг кўпайиши ва ижтимоий фаравонликни оширишда тўсиқларнинг пайдо бўлиши;
- истисеъмолнинг қимчариши иқтисодий тараққиётнинг секинлашуви;
- аҳоли даромадларининг камлиги ва шунга мос равишда жамғармаларнинг паст даражаси туфайли банк тизимига кировчи молиявий ресурслар ҳажмининг камайиши;
- аҳоли пул маблағларининг асосий қисми озиқ-овқат учун сарфланиши инфляция суръатининг ошишига аҳолининг асосий қисми қашшоқлиги фонида мамлакатдаги демографик вазиятнинг ёмонлашуви.

Иқтисодий адабиётларда аҳоли даромадларига нисбатан самарадорлик ва тенгликни таъминлаш иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишнинг оптималлик кўрсаткичи қанчалик ижобий бўлиши ҳам самарадорлик ҳам тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

¹ Майбуrow И.А., Цоколовская А.М. Некоторые постулаты оптимального налогообложения труда. <https://elibrary.ru/download/elibrary>.

² Калимбетов Ж.К. “Аҳоли даромадлари таркибига жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ставкаларининг таъсирини моделлаштириш” 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ставкалари пропорционал бўлиши кам даромад олувчилар учун салбий кўп даромад олувчиларга ижобий ҳисобланади.

Етук иқтисодчи олимлар Ж.Миррлеес ва Ф.Рамсейларнинг тадқиқотлари натижасидаги мулоҳазаларига кўра «даромад солиғи прогрессивлигининг юқори даражада бўлиши аҳолининг ихтиёрида қоладиган даромадларнинг тенг тақсимланишига олиб келади»³. Шу билан бирга олимларнинг фикрига кўра даромад солиғининг ўртача прогрессивлиги ёки пропорционаллиги юқори даромад олувчи шахсларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилиш даражасини пасайтиришга олиб келади.

Прогрессив солиққа тортиш шкаласи бир қатор афзалликларга эга. **Биринчидан**, бу адолатлироқ, чунки даромади юқори бўлган шахслардан даромадига мутаносиб равишда солиқ ундирилади, даромади паст шахсларда эса зарурий нарсаларга кўпроқ сарфлаш эркинлигига эга бўлишади. **Иккинчидан**, прогрессив солиққа тортиш аҳоли даромадлари таркибидаги тенгсизликни камайтиришга хизмат қилади, чунки бойлар кўпроқ солиқ тўлайди, бу эса қашшоқликни камайтириш ва таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат дастурлари учун кўпроқ маблағлар шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Прогрессив солиқ ставкаларининг қўлланилиши айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин, жумладан, меҳнат ва инвестицияларни камроқ рағбатлантириш. Масалан, юқори солиқ ставкалари бой одамларни инвестицияларини кечиктиришга ёки солиқ тўлашдан қочиш йўллари излашга ундаши мумкин. Бу иқтисодий ўсишнинг пасайишига ва янги иш ўринлари яратилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, прогрессив солиққа тортиш бюрократик тартибларнинг кучайишига ва солиқ органлари учун қўшимча харажатларни юзага келтириши мумкин.

Прогрессив ва пропорционал солиққа тортиш ўртасидаги баҳс ва мунозаралар ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодчи олимлар томонидан фаол муҳокама қилинаётган долзарб масалалардан бирига айланган. Жамиятдаги даромадлар тенгсизлик даражасини пасайтириш ва адолатли механизмини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги турли тоифалар ўртасидаги даромад фарқини камайтириш учун самарали қайта тақсимлашни таъминлаш жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Фикримизга кўра, жисмоний шахсларни солиққа тортишда мутаносиб ёки прогрессив шкалани ўрнатилиши мамлакатдаги аҳолининг бой ва камбағал гуруҳларга табақаланиши муаммоси доирасидаги устувор ижтимоий аҳамиятга молик масаладир.

Мазкур салбий таъсирларнинг ривожланаётган ҳолатларини кенг доираси тенгсизликларни камайтириш йўллари излашга ундайди. Шу билан бирга,

³ Mirrlees, James A. "An Exploration in the Theory of Optimum Income Taxation." *Review of Economic Studies* 38, no. 114 (1971): 175-208. Ramsey, Frank. "A Contribution to the Theory of Taxation." *Economic Journal* 37, no. 145 (1927): 47-61.

ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, даромадлар тенгсизлиги даражасини тавсифловчи Жини коэффиценти қийматининг маълум даражада пасайиши давлат томонидан аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг самарали ва адолатли тизимига асосланган самарали фискал сиёсат амалга ошириш билан боғлиқдир.

Жини коэффитсиенти (**G**) — бу жамиятдаги даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттирувчи рақамли қиймат. Коэффициент 0 дан 1 гача бўлган қийматларни олиши мумкин, бу ерда 0 даромаднинг тўлиқ тенглигини англатади (барча фуқаролар бир хил даромад олганида), 1 эса тўлиқ тенгсизликни англатади (бир фуқаро барча даромадларни олганида). Жини коэффиценти 1 га қанчалик яқин бўлса, жамиятдаги тенгсизлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Гини формуласи қуйидагича:

$$G = 1 - 2 \sum_{i=1}^n (w_i F_i)$$

n – фуқаролар сони, **w_i** – **i** даромадли аҳоли улуши, **F_i** – **i** дан кам ёки тенг даромадли фуқароларнинг умумий улуши.

Жини коэффиценти кўллаган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахслар бўйича қуйидаги жадвал маълумотлари асосида мамлакатимиз мисолида кўриб чиқадиган бўлсак:

2022 йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўловчилари сони 5 018 032 нафарни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 215 мингтага ёки 8%га ошган (1-жадвал).

1-жадвал 2021-2022 йилларда бюджет ва нобюджет ташкилотлари кесимида иш ҳақи даражаси динамикаси⁴

№	Иш ҳақи миқдори	2021 йил		2022 йил	
		тўловчилар сони	улуши, (%)	тўловчилар сони	улуши, (%)
1.	1 млн. сўмгача	1 509 741	31,4	1 404 377	28,0
	бюджет сектори	451 640	9,4	369 089	7,4
	нобюджет сектори	1 058 101	22,0	1 035 288	20,6
2.	1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача	1 231 621	25,6	1 232 569	24,6
	бюджет сектори	603 732	12,6	610 734	12,2
	нобюджет сектори	627 889	13,1	621 835	12,4
3.	2 млн. сўмдан 4 млн. сўмгача	1 221 308	25,4	1 264 598	25,2
	бюджет сектори	600 468	12,5	655 941	13,1
	нобюджет сектори	620 840	12,9	608 657	12,1
4.	4 млн. сўмдан 5,5 млн. сўмгача	383 523	8,0	467 233	9,3
	бюджет сектори	152 308	3,2	218 240	4,3
	нобюджет сектори	231 215	4,8	248 993	5,0
5.	5,5 млн. сўм ва ундан юқори	456 424	9,5	649 255	12,9
	бюджет сектори	144 491	3,0	224 678	4,5
	нобюджет сектори	311 933	6,5	424 577	8,4
Жами:		4 802 617	100	5 018 032	100

⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари (www.imv.uz).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2022 йил ҳолатига:

- 1) 1 404 377 нафар фуқаро ойига 1 млн. сўмгача даромад олади
- 2) 1 232 569 нафар фуқаро ойига 1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача даромад олади
- 3) 1 264 598 нафар фуқаро ойига 2 млн. сўмдан 4 млн. сўмгача даромад олади
- 4) 467 233 нафар фуқаро ойига 4 млн. сўмдан 5,5 млн. сўмгача даромад олади
- 5) 649 255 нафар фуқаро ойига 5,5 млн. сўм ва ундан юқори даромад олади

Юқоридаги 1-жадвал маълумотлари асосида биз мазкур формуладан фойдаланиб, Ўзбекистон учун Жини коэффиценти қийматини аниқлашимиз мумкин:

$$G = 1 - 2[(1404377/5018032) \times (0/5018032) + (1232569/5018032) \times (1404377/5018032) + (1264598/5018032) \times (2636946/5018032) + (467233/5018032) \times (3901544/5018032) + (649255/5018032) \times (4368777/5018032)]$$

$1 - 2\sum_{i=1}^n(w_i F_i)$ ифода қийматини ҳисоблаш учун бу ерда:

$w_i = [1404377/5018032, 1232569/5018032, 1264598/5018032, 467233/5018032, 649255/5018032]$

$F_i = [0, 1404377/5018032, 2636946/5018032, 3901544/5018032, 4368777/5018032]$

1) Ҳар бир элементнинг натижасини ҳисоблаймиз:

$$w_1 F_1 = (1404377/5018032) * (0/5018032) = 0$$

$$w_2 F_2 = (1232569/5018032) * (1404377/5018032) = 0,06874$$

$$w_3 F_3 = (1264598/5018032) * (2636946/5018032) = 0,13243$$

$$w_4 F_4 = (467233/5018032) * (3901544/5018032) = 0,07239$$

$$w_5 F_5 = (649255/5018032) * (4368777/5018032) = 0,11264$$

2) Натижаларни умумлаштирамиз:

$$\sum_{i=1}^n(w_i F_i) = w_1 F_1 + w_2 F_2 + w_3 F_3 + w_4 F_4 + w_5 F_5 = 0 + 0,06874 + 0,13243 + 0,07239 + 0,11264 = 0,38621$$

3) Натижалар йиғиндисини 2 га кўпайтирамиз:

$$2\sum_{i=1}^n(w_i F_i) = 2 * 0,38621 = 0,77242$$

4) Олинган қийматни 1 дан айирамиз:

$$G = 1 - 0,7724 = 0,22757$$

Шундай қилиб, Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар манбаига эга жисмоний шахслар учун Жини коэффиценти қиймати 0,22757 ни ташкил қилади, бу аҳоли даромадларини тақсимлашда нисбатан юқори даражадаги тенгсизлик мавжудлигини кўрсатади.

Умуман олганда, ўрганишлар шуни тақозо этадики, даромадлилик кўрсаткичи юқори бўлган шахслар солиқ ставкаларининг ўзгаришига кўпроқ сезгир бўлишади, чунки улар ўз даромадларини яширишга мойиллиги юқори бўлади.

Фикримизча даромад солиғи ставкасининг прогрессивлиги юқори даражада бўлиши бир томондан, аҳоли даромадлари тенгсизлигига ижобий таъсир этиши мумкин, аммо иккинчи томондан аҳолининг даромадларини яшириш кўрсаткичининг ортиб кетишига

олиб келиши мумкин. Шундай экан аҳоли даромадларига нисбатан солиқ ставкаларини белгилашда мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда аҳоли даромадларининг юқорилиги ёки камлиги инобатга олиниши муҳим ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва аҳоли даромадлари юқори ҳисобланувчи мамлакатларда даромад солиғининг прогрессивлиги юқори бўлиши ижобий ҳисобланади.

Юқоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда аҳоли даромадлари тенгсизлигини камайтириш учун қуйидаги бир нечта таклиф ва тавсияларни таъкидлаш мумкин::

1. Прогрессив солиққа тортиш: Бу юқори даромадли шахслар кўпроқ солиқ тўлайдиган тизимни назарда тутди. Бу даромадларни қайта тақсимлаш ва бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутни камайтиришга ёрдам беради.

2. Солиқ имтиёзлари: Даромадлар тенгсизлигини бартараф этиш учун солиққа тортилмайдиган минимумларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай солиқ сиёсати кам таъминланган оилаларнинг ихтиёрида бўладиган даромадларини оширишга ва уларнинг давлат дастурларига бўлган боғлиқлигини камайтиришга ёрдам беради.

3. Солиқ шаффофлиги: солиқ шаффофлигини ошириш даромадлар тенгсизлигини камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Солиқ маълумотларини ошкор қилишни талаб қилувчи сиёсат солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва олдини олиш схемаларини аниқлашга ёрдам беради. Худди шундай, юқори даромадли шахслар учун ҳисобот бериш талаблари уларнинг солиқларнинг адолатли улушини тўлашига хизмат қилади.